



«MIKROKREDITBANK»

Акциядорлик – тижорат банки (<http://mikrocreditbank.uz>)

Жисмоний шахсларга «Микрокредитбанк» банки томонидан эмиссия қилинган EMV пластик карталар эгаларига «МКВ Mobile» иловасидан фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида

ОММАВИЙ ОФЕРТА

Ушбу хужжат жисмоний шахсларга, EMV пластик карталари эгаларига (бундан буён – Фойдаланувчи) қуйидаги хизматларни кўрсатиш бўйича Шартнома (бундан буён “Шартнома”) тузиш учун расмий таклиф (Оммавий оферта) ҳисобланади:

- онлайн режимида пул маблағларини картадан картага ўтказиш («P2P-ўтказмалар»),

- «Микрокредитбанк» томонидан берилган кредитларни қайтариш («Кредитларни қайтариш»);

- тўловларни амалга ошириш (телефония, интернет, коммунал тўловлар ва бошқалар) («Тўловлар»);

- нақдсиз шаклдаги хорижий валюта сотиб олиш.

«P2P-ўтказмалар», «Кредитларни қайтариш» ва «Тўловлар» «Онлайн-конверсия» сервиси, БАНК эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган «МКВ Mobile» мобиль иловасидан фойдаланган ҳолда «Микрокредитбанк» (бундан буён - БАНК) томонидан кўрсатилади.

Фойдаланувчи томонидан ушбу Оммавий Офертада назарда тутилган ҳаракатларнинг бажарилиши унинг қуйида келтириладиган шартларга (Оммавий Оферта акцептига) сўзсиз равишда рози эканлигини билдиради. Шартнома Оммавий Оферта акцепт бериш пайтидан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар бўйича, томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва ишбилармонлик айланмаси анъаналари асосланиб ҳаракат қиладилар.

1. АТАМАЛАР ВАТАЪРИФЛАР

Фойдаланувчи – муомалага лаёқатли бўлган жисмоний шахс, шу жумладан Қарздор, EMV пластик банк картасининг эгаси.

Банк (пластик) картаси–БАНК томонидан эмиссия қилинган, онлайн режимда ишлайдиган тўлов картаси.

Қарздор–Банк билан кредит бериш бўйича Шартнома тузган жисмоний шахс.

«МКВ Mobile» техник платформаси (мобиль илова) –жисмоний шахсларга - «Микрокредитбанк» Банки Мижозларига масофадан туриб банк хизматлари кўрсатиш учун мобил илова.

«P2P-ўтказмалар сервиси» -(бундан буён – Сервис) ахборот-технологик қарорлар комплекси бўлиб, унинг ёрдамида Фойдаланувчи мобил илова орқали

ёрдамида олувчининг пластик картасига пул маблағларини ўтказишни амалга ошириши мумкин.

«Кредитларни қайтариш» сервиси- (бундан буён -Сервис) –ахборот-технологик қарорлар комплекси бўлиб, унинг ёрдамида Фойдаланувчи мобил илова орқали «Микрокредитбанк» Банкада олинган кредитларнинг қайтарилишини амалга ошириши мумкин.

«Тўловлар» сервиси- (бундан буён - Сервис) –ахборот-технологик қарорлар комплекси бўлиб, унинг ёрдамида Фойдаланувчи мобил илова орқали мобил иловада келтирилган хизматлар етказиб берувчиларига тўловларни амалга ошириши мумкин.

QR-код сервиси (Quick Response) – савдо-сервис корхонаси томонидан алоқасиз усулда тўловлар операцияларини амалга ошириш учун Фойдаланувчи фойдаланадиган савдо-сервис корхонасининг матрицали коди (икки ўлчамли штрих коди);

«Онлайн-конверсия» сервиси- (бундан буён-Сервис) –ахборот-технологик қарорлар комплекси бўлиб, унинг ёрдамида Фойдаланувчи мобил илова орқали мобил иловада келтирилган нақдсиз шаклдаги хорижий валюталар харидини амалга ошириши мумкин.

2. АКЦЕПТЛАШ ТАРТИБИ

2.1. Ушбу Оммавий Офертани Акцептлаш Фойдаланувчи томонидан мобил илова/вэб-интерфейс кўринишида бемалол фойдаланиш мумкин бўлган, **«МКВ Mobile»** Иловасидаги Сервиснинг мазкур Оммавий Офертаси шартларини қабул қилиши орқали амалга оширилади. (*Илова интерфейсидаги «Розиман» тугмачаси*).

2.2. Қуйида келтирилган шартлардан норози бўлган тақдирда, Фойдаланувчи Сервисдан фойдаланмайди.

3. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

3.1. БАНК Фойдаланувчиларга EMV Сервис пластик карталарини беради, Фойдаланувчи эса улар ёрдамида олувчининг бевосита пластик картасига пул маблағлари ўтказмаларини амалга ошириши, нақдсиз шаклдаги хорижий валюталар сотиб олиши, Банкдан олинган кредитларни қайтариб бериши, келтирилган мобил илова ёрдамида масофадан туриб онлайн-режимда банк пластик карталаридан етказиб берувчиларга уларнинг хизматлари учун тўловларни амалга ошириш мумкин.

3.2. Ушбу Шартнома бўйича Сервисдан фойдаланган ҳолда пул маблағларини фақат БАНК томонидан эмиссия қилинган банк карталарига қабул қилишни амалга ошириш мумкин.

3.3. Сервис Android учун мобил илова кўринишида фойдаланиш мумкин бўлган **«МКВ Mobile»** тўлов иловасида доирасида ишлайди.

3.4. Фойдаланувчи, субъект молчиликларга, шунингдек жиноий фаолиятдан, терроризмни молиялаштиришдан олинган даромадларни легаллаштиришга йўл қўймаслик мақсадларида ушбу Сервис бўйича 1 (бир) кун ичида ўтказмаларнинг умумий суммаси ва миқдори бўйича чегараланишлар йўлга қўйилганлиги ҳақида хабардор қилинади:

- 1 000 (бир минг) сўмдан кам эмас;
- 30 000 000 (ўттиз миллион) сўмдан ортиқ эмас.

4. ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

4.1. Фойдаланувчилар учун «P2P-ўтказмалар» сервисининг қиймати келиб чиқадиган тўловлар суммасининг 0,5% миқдорида белгиланади.

Фойдаланувчилар учун «Кредитларни қайтариш» сервисининг қиймати кредитни қайтариш учун келтириб ўтилган тўловлар суммасининг 0,0 % миқдорида белгиланади.

4.2. Пул маблағларини ечиб олиш картада пул маблағлари етарли миқдорда мавжуд бўлганда тўловлар амалга ошириладиган пайтда фойдаланувчининг сўмлардаги банк пластик картасидан автоматик тарзда амалга оширилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. БАНК қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Фойдаланувчининг Сервисдан тўсиқларсиз бемалол фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

- маълумотлар Сервисни тақдим қилиш чоғида БАНКка маълум бўлиб қолган Фойдаланувчининг шахсий маълумотларининг муҳофаза қилинишини таъминлаш.

5.2. Фойдаланувчиқуйидаги мажбуриятларга эга:

- мазкур Оммавий Оферта талабларини бажариш;

- Сервис олишни амалга ошириш учун фойдаланиладиган қурилманинг ахборот хавфсизлигини мустақил тарзда таъминлаш;

- Сервисданноқонуний мақсадларда фойдаланиш.

5.3. БАНК киритиладиган ўзгартиришларни ўз сайтида ва Сервис интерфейсидаги ахборот хабарларида чоп этиб эълон қилиш орқали, бу ҳақида Фойдаланувчини хабардор қилган ҳолда, ушбу Оммавий офертага бир томонлама ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

5.4. Банк учун ноодатий операциялар ёки репутацион ва/ёки молиявий хатарлар аломатларидан иборат бўлган операциялар аниқланган тақдирда, суммалар ва пластик карталар бўйича қонунчиликда қўлланиладиган чегараланишларга мос келмаган, шунингдек агар Банкдаги операциялар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларини бузган ҳолда амалга оширилганлигига шубҳа уйғонган тақдирда, Банк Фойдаланувчига Сервисдан фойдаланишига бир томонлама бош тортишга ҳақлидир.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу Оммавий Оферта ва Шартнома шартларини бажармаганликлари ёки тегишли тарзда бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига биноан жавобгар ҳисобланадилар.

6.2. Фойдаланувчи ушбу Оммавий Оферта ва Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки тегишли тарзда бажармаганлиги натижасида унинг ўзида юзага келадиган ҳар қандай зарарлар ёки салбий оқибатлар учун жавобгар ҳисобланади.

6.3. Фойдаланувчи ўзи ҳақидаги шахсий маълумотларни ҳимояланмайдиган бирлашмалардан фойдаланадиган, ёки зарар келтирадиган дастурлар ва иловалар таҳдиди остида турадиган қурилмага киритганида, уларнинг сақланиши учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

6.4. Фойдаланувчи томонидан Шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида Шартнома шартлари тегишли тарзда бажарилмаганлиги учун, шу жумладан Банк томонидан Дастурдан фойдаланиш учун берилган "Логин", "Пароль" ва "PIN" коднинг муҳофаза қилиниши ва қўриқланиши учун БАНК жавобгар ҳисобланмайди.

6.5. Фойдаланувчи ушбу Оммавий Оферта шартлари билан танишиб чиқмаганлиги ва (ёки) ўз вақтида танишиб чиқмаганлиги муносабати билан юзага келадиган ҳар қандай зарарлар учун БАНК жавобгар ҳисобланмайди.

6.6. Агар Шартнома шартлари БАНК назорати соҳасидан ташқаридаги сабабларга кўра бажарилмаган бўлса, Банк Шартнома шартларининг тегишли тарзда бажарилмаганлиги учун жавобгар ҳисобланмайди. БАНКнинг назорат соҳаси фақат Сервиснинг ўзининг иш қобилияти билан чегараланади, ва учинчи шахсларнинг айби билан, шунингдек давлати органлари ёки суд ҳокимияти органлари томонидан қўйиладиган тақиқлар ёки чегараланишлар киритилиши муносабати билан содир этиладиган бузилишларни ўз ичига олмайди.

6.7. Шартнома тузилгандан сўнг Томонлар олдиндан кўра била олмаган, оқилона чоралар кўриш орқали бартараф этиб бўлмайдиган фавкулотда тусдаги ҳодисалар (форс-мажор) натижасида юзига келадиган енгиб бўлмас кучлар ҳолатлари натижасида Шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда, Томонлар ушбу Оммавий оферта ва Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки тегишли тарзда бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинадилар.

7. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

7.1. Фойдаланувчи ҳар қандай вақтда Сервисдан фойдаланишдан бош тортган ҳолда Шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақлидир.

7.2. Шартнома зудлик билан дастур ўчириб ташлангандан сўнг бекор қилинган деб ҳисобланади.

8. КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ КўРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу Оммавий оферта ва Шартнома бўйича юзага келадиган ҳар қандай низо Фойдаланувчининг ёзма хабарномаси асосида тинчлик йўли билан ҳал қилиниши лозим. Мурожаатни кўриб чиқиш муддати ва унинг мазмунига қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланади.

8.2. Юзага келган низо тинчлик йўли билан тартибга солинмаган тақдирда, у жавобгар жойлашган жой бўйича идоравий судда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилиши лозим.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Шартномада ва Оммавий офертада бевосита назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар бўйича Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва ишбилармонлик айланмаси анъаналарига асосланиб ҳаракат қиладилар.

9.2. Ушбу Оммавий офертани Акцептлаш орқали, Фойдаланувчи Шартноманинг барча шартларига ўзининг сўзсиз равишда рози эканлигини тасдиқлайди ва уларни бажариш мажбуриятини олади.